

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ширинова Инобат Анваровна 65 ёшда

Инобат Анваровна 1957 йили 13 июнда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида Охунбобоев жамоа хўжалигида тугилди. Илмга муҳаббат Инобат опада оиладаги муҳит орқали берилган. Оталари Анвар ака ва оналари Бозоргул аялар қизларини ёшлигидан меҳнатга, янгиликка, билимга интилиб, ўз олдига қўйган мақсадга эришишга ўргатдилар. Ёш қиз ота-онаси томонидан берилган ўқитларга амал қилиб, доимо олга интилиб яшади. Буларнинг барчаси уни 1974 йили Тошкент давлат педагогика институтининг биология йўналиши томон етаклади.

Инобат Анваровна 1974-1979 йиллари давомида талабалик даврида ўзининг шу соҳа учун яратилганлигини англаб етди. Биология соҳасининг чексиз сир-сирноатларига қизиқди. У олий маълумотли мутахассис бўлиб етишгач, ўз қишлоғи томон интилиб, 1979-1985 йиллари давомида Сирдарё туманидаги 31-мактабда ёшларга бу фан сирларини ўргата бошлади. Лекин Инобат Анваровнанинг кўнглини илмнинг кенг ўфклари ўзига мафтун этар эди. Шу истак уни 1985 йили Сирдарё давлат педагогика институти умумий биология кафедрасига олиб келди. Кафедрадаги бир неча йиллик фаолияти унинг учун унутилмас йиллар бўлди. Инобат Анваровна устозларидан ҳақиқий илмнинг моҳиятини англаб етди. Инобат опа 1989-1992 йиллар давомида Тошкент биохимия институтида аспирантурани ўтади ва 1992 йилдан яна эски кадрдонлари бағрига, Гулистон давлат университети умумий биология кафедрасига қайтди. Инобат опа ўзи устида яна ҳам кўпроқ ишлашга иштиёқ сезди ва натижада 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институтида докторант сифатида фаолиятини давом эттирди. Ширинова Инобат Анваровна 2002 йилда яна Гулистон давлат университети ботаника ва экология кафедрасига қайтди ва ҳозирга қадар бу даргоҳда турли лавозимларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Энди бир оз Инобат опанинг шахсий хусусиятлари ҳақида. Инобат опа ҳаёт йўлини кузатар эканмиз, у кишининг ҳаёти давомида кўп машаққатларни ўз бошидан ўтказиб, уларнинг барчасини ўзининг ички қучи билан енгиб келганлигини

куришимиз мумкин. Бундай жасоратга эса ҳар ким ҳам қодир эмас. Инобат опа қатъиятли, шижоатли, принципиал, меҳнаткаш, ширинсуз, эътиборли аёл.

Инобат опани қатъиятли деб айтдик, чунки устоз кўп одам жазм қила олмайдиган ишларга жазм қила биладилар. Гулистон давлат университетига келганларига 36 йил бўлибди. Лекин Инобат опа бу даярда меҳр билан илмга интилиб келди. Шунча йиллар давомида сабр билан, шижоат билан илм қудугини қазиб ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Бунинг учун одамда тоғдай бардош бўлиши керак.

Инобат опани шижоатли дедик. Ҳақиқатдан ҳам устоз доимо бардам, тетик ва энг асосийси, ҳамиша кутаринки кайфиятда юрадилар.

Инобат опани принципиал дедик. Инобат опанинг бу феълени уни танийдиган барча танишлари яхши биладилар ва унинг фикрига қарши бўладиган бирор нарсани у кишидан сураб ўтиришмайди.

Инобат опани меҳнаткаш дедик. Опанинг бу хусусиятини кўпчилик яхши билди. Инобат опа фақатгина илмда меҳнаткаш эмас, балки бошқа ишларда ҳам узининг меҳнаткашлиги билан машҳур. Устоз кўп йиллардан бери деҳқончилик, жумладан боғдорчилик билан, чорвачилик билан шуғулланиб келадилар. Бу ишларни бажаришда устоз ҳар қандай эркакдан кўра кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қиладилар. Қора жисмоний меҳнатдан ҳеч қачон ўзларини олиб қочмайдилар.

Инобат опа ширинсуз ва эътиборли аёл. Устоз доимо ўз атрофидаги ҳамкасблари, шогирдлари, таниш билишлари ҳолидан хабардор бўлишга, уларнинг кайфиятини кутаришга ҳаракат қиладилар.

Инобат опа бизга устозлик қилганлар. Талабалик йилларимизда бизга нафақат таълим, балки одамийликдан сабоқ берганлар. Ва биз устоз Инобат Анваровнадан кўп нарсаларни, энг асосийси, ҳаёт қийинчиликлари ва машаққатларини қандай енгиш кераклигини ўрганганмиз.

Б.Б.ТУЙЧИБОВ,
Тарих фанлари номзоди,
ГулДУ доценти “Тарих” кафедраси мудири.
1 май 2021 йил.